



МИЛЛИЙ ТИКЛАНИШ

50 (319) ● 2014 йил 10 декабрь, чоршанба ● Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг ижтимоий-сиёсий газетаси

ЎзМТДП — www.mt.uz Тахририят — www.milliytiklanish.uz

2008 йил 30 октябрдан чиқа бошлаган

Конституцияда белгилаб қўйилган нормаларнинг устуворлиги ҳамда фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, қонуний манфаатларини тўлақонли рўйбга чиқаришни таъминлашга кўмаклашиш ЎзМТДПнинг устувор вазифаси ҳисобланади. Партиямиз Бош қомусимиз мазмун-моҳиятини тарғиб қилиш ишларини доимий тарзда олиб боради. Жумладан, ёшлар ўртасида ҳуқуқий таълим-тарбияни такомиллаштириш, фуқаролик жамиятини барпо этишда улар иштирокини таъминлаш мақсадида кўплаб тадбирлар ташкил этилмоқда



Мазкур муҳташам кошона миллий ва замонавий меъморлик анъаналарини ўзида уйғунлаштирган. Эшик ва устунлари шарқона нақшлар билан безатилган. Томошабинлар учун барча зарур шароит ва қулайликлар яратилган. Саҳна атрофига замонавий ёритиш чироклари ўрнатилган. Қирқ гектар майдонда барпо этилган сўлим хиёбон, рангли чирокларда жилоланувчи мусиқали фаввора саройга янада чирой бағишлаб турибди



2 СИЁСАТ

3 ПАРТИЯ ҲАЁТИ

Партиянинг бош мақсади миллий тикланиш ғоясини амалга ошириш, барқарор миллий ривожланишни таъминлаш, мамлакатимиз сиёсий, ижтимоий, гуманитар ҳаётининг барча соҳаларида миллий манфаатларни ҳимоялаш ва илгари суриш, миллий, маданий ва маънавий қадриятларни, бой тарихий меросимиз, Ўзбекистон халқининг урф-одат ва анъаналарини асраб-авайлаш ва кўпайтиришдан иборат.

● **Жараён**



Депутатликка номзодлар — сайловчилар ҳузурида

учрашувларда ЎзМТДП ғоя ва мақсадлари қўллаб-қувватланмоқда

Мамлакатимизда бўлиб ўтадиган Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларига сайлов куни тобора яқинлашмоқда. Айни пайтда сайловга тайёргарлик ишлари янада қизғин давом этаётир. Сиёсий партиялар ҳамда депутатликка номзодлар томонидан сайловолди ташвиқот ишлари изчиллик билан амалга оширилмоқда. Маълумки, сайловолди ташвиқоти сайловчиларни депутатликка номзод ёки сиёсий партияни ёқлаб овоз беришга ундовчи фаолият тури ҳисобланади, номзодлар ва сиёсий партия кенг тарғиб-ташвиқ қилинади.

Бундан унумли фойдаланиш, миллий қонунчилигимиз асосида яратилган шароит ва имкониятлардан фойдаланган ҳолда сайловолди дастурларини сайловчилар орасида кенг тарғиб этиш сайлов жараёнида муваффақиятли натижаларга эришишда муҳим омил бўлади. Бугунги сайловчининг дунёқараши, сиёсий-ҳуқуқий билими ва маданияти юксак, сиёсий партия-

лар илгари сураётган мақсад-ғоялар, уларнинг амалий ишлари билан яқиндан таниш, уларни қуруқ ваъдалар, баландпарвоз гаплар билан ишонтириб бўлмайд.

Шундай экан, сайловчи ҳузурига аниқ мақсадлар билан, инсонларнинг ҳаёти ва турмуш тарзи, интилиш ва хоҳишларига мос вазифалар билан чиқиш керак бўлади.

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясидан парламент куйи палатаси ва маҳаллий Кенгашларга номзоди кўрсатилган вакилларимиз ана шундай долзарб, устувор, ҳаётга яқин бўлган партиявий мақсадларни амалга оширишни ўз олдига вазифа қилиб қўйган. Айни кунларда улар жойларда бўлиб, сайловчилар билан юзма-юз мулоқот қилмоқда, фуқароларимизни партия позицияси, сайловолди Платформаси ҳамда ўзларининг сайловолди дастурлари билан кенгроқ таништириб, тарғибот ишларини амалга оширишмоқда. Мазкур учрашувларда сайловчилар ЎзМТДП ғоя ва мақсадларини қўллаб-қувватлаб, уларни ҳаётга татбиқ этишда партиядан кўрсатилган номзодларга ишонч билдиришмоқда.

4-бет

● **Муносабат**

Фаровон ҳаётимизнинг пойдевори

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг Конституциямиз қабул қилинганининг йигирма икки йиллигига бағишланган таптанали маросимда сўзлаган маърузасини ўзгача ҳаяжон билан тингладик. Давлатимиз раҳбарининг Конституциямиз асосида яратилган миллий давлатчилигимиз мазмун-моҳияти ҳамда қўлга киритган ютуқларимиз негизидан инсон ва унинг манфаатлари ётганлиги тўғрисидаги фикрлари ҳар бир онгли фуқарони бефарқ қолдирмаслиги шубҳасиз. Бугун жамиятимизни ислоҳ этиш, демократлаштириш ва эркинлаштириш ҳамда мамлакатимизни модернизация қилиш бўйича пухта ўйланган узоқ муддатли дастур — "Ўзбек модели"ни бутун дунё эътироф этаётганлигини алоҳида таъкидлаш ўрипти. Ҳеч муболағасиз айтиш мумкинки, 1991 йилда қўлга киритган мустақиллигимиз буюк қадриятга айланди. Инсон ҳуқуқ ва эркинликлари, қонуний манфаатларини таъминлаш, фуқаролик жамиятини барпо этишдек улуғвор мақсадларга эришишда Конституциямиз ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилмоқда.

Президентимиз Асосий қонунимизга киритилган ўзгартиш ва тузатишлар ҳақида тўхталиб, улар асосида қабул қилинган қонунлар давлат ҳокимияти органлари тизимида Олий Мажлиснинг роли ва аҳамиятини сезиларли даражада кучайтиргани, давлатимизнинг ички ва ташқи сиёсатини шакллантириш ва амалга оширишда олий қонунчилик органи имкониятларини янада кенгайтирганини алоҳида таъкидлади. Дарҳақиқат, мамлакатимиз парламентининг юртимиз тараққиёти, халқимиз фаровонлиги ва

осойишталигини таъминлашга хизмат қиладиган долзарб ҳамда ҳаётий қонунларни ишлаб чиқиш ва қабул қилишдаги фаоллиги ошди. Утган давр мобайнида Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш ҳуқуқий ҳужжатларнинг қабул қилинишида парламентнинг алоҳида ўрни бор.

2-бет



Асадилло Набиев, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист:

— Мамлакатимизда маданият ва санъатни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ўзбекистон халқининг маданияти ва санъати ютуқларини халқаро майдонда кенг миқёсда тарғиб этиш ЎзМТДПнинг асосий йўналишларидан биридир. Мен "Milliy tiklanish"ни танладим. Сиз-чи?

● **Тадбир**

Конституция — миллий қадриятларимиз кафолати

ЎзМТДП Марказий Кенгаши томонидан ўтказилган тадбир Бош қомусимиз қабул қилинганининг 22 йиллигига бағишланди

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 22 йиллиги муносабати билан Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси Марказий Кенгаши ва Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси ҳамда ЎзР ФА Теурийлар тарихи давлат музейи ҳамкорлигида "Конституция — миллий қадриятларимиз кафолати" мавзусида давра суҳбати бўлиб ўтди.

Давра суҳбатини Теурийлар тарихи давлат музейи директори Хуршид Файзиев кириш сўзи билан очиб, Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси халқимиз хоҳиш-иродаси, инсон-ҳуқуқ ва манфаатлари, қадриятларимиз ва халқаро ҳуқуқнинг умумэтироф этилган нормаларини ўзида мужасам этган қомусий ҳужжат экани, истиқлол йилларида жамиятнинг барча жаҳасида эришилаётган улкан ютуқлар, амалга оширилаётган ислохотларда Бош қомусимизнинг аҳамияти

беқиёс эканини таъкидлади. — Ўзбекистон Республикаси Конституцияси миллий тараққиёт йўлини белгилаб берувчи инсонпарвар, халқчил қомус сифатида барча соҳаларда кенг имкониятлар эшигини очиб берди. Конституция миллий қадриятларимиз асосига қурилган, ўзида халқаро ҳуқуқнинг умумэтироф этилган жиҳатларини акс эттирган, - деди тадбирда ЎзМТДП фракцияси аъзоси Акмал Раҳмонов.

2-бет

● **Тухфа**

Фарғона шаҳрида янги санъат саройи очилди

3-бет



Партия ҳаёти



Аҳоли турмуш сифати ва қудайликларини ошириш — партиянинг ижтимоий соҳада олиб бораётган фаолиятининг бош мақсади дур. Шундан келиб чиқиб, ЎЗМТДП озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашни янада кучайтириш, аҳолининг овқатланиш хилма-хиллигини кенгайтириш, мамлакатимизда сифатли ва хавфсиз озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кўпайтириш ва бунда генларни модификация қилиш усулидан фойдаланишни чеклашни ўзининг устувор вазифаларидан бири деб ҳисоблайди.

Тухфа



Фарғона шаҳрида янги санъат саройи очилди

Мамлакатимиз Конституцияси қабул қилинган кунининг 22 йиллиги фарғоналиклар учун қўшалок байрам бўлди. Президентимиз Ислоҳ Каримов ташаббуси билан вилоят марказида бунёд этилган Театр-концерт саройи 6 декабрь кунини тантанали равишда очилди.

Давлатимиз раҳбарининг 2011 йил 15 ноябрдаги "Фарғона шаҳрининг бош режисини амалга ошириш, 2012-2015 йилларда ижтимоий ва транспорт-коммунал инфратузилмаси объектиларини қуриш ва реконструкция қилиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори асосида шаҳарда кенг қўламли бунёдкорлик ишлари амалга оширилмоқда. Замонавий қорхоналар, таълим ва тиббиёт муассасалари, спорт мажмуалари ва стадионлар, йўллар, хибонлар бунёд этилаётган.

Бундай ишлар самарасида Фарғона шаҳрининг маркази қайтадан бунёд этилди. Шаҳар атрофида кичик халқа йўли қурилди. Йўл бўйларига ҳудуднинг табиий-иклим шароитига мос манзарали дараклар эскинди. Мустақиллик ва Аҳмад Фарғоний кўчаларида ландшафт архитектураси асосида Каштанлар хиёбони ташкил этилди. Бу шаҳар ҳавоси мусаффолигини таъминлаб, аҳолининг ҳаёт сифатини янада оширишга хизмат қилмоқда.

Замонавий уй-жойлар, 20

минг ўринли стадион, сув спорти мажмуаси ноёб меъморий ечими, ўзига хос дизайн билан Фарғона шаҳри кўрғига кўрк қўшди. Фарғона ахли азалдан санъат ва маданиятни юксак қадрлайди. Вилоятда 4 театр ва 14 музей, 1628 кутубхона ва ахборот-ресурс маркази фаолият кўрсатмоқда.

Фарғона шаҳрида бунёд этилган минг ўринли санъат саройи вилоят ахли учун яна бир туҳфа бўлди.



ЎЗА оғил суратлар.

лик, идоралар ва жамоатчилик вакиллари, санъат ва маданият намояндалари иштирок этди.

Президентимиз Ислоҳ Каримов фармонларига мувофиқ Мустақилликнинг 23 йиллик байрами ҳамда Ўқитувчи ва мураббийлар кунини муносабати билан бир гуруҳ фарғоналиклар ҳам Ватанимизнинг юксак унвонлари, орден ва медаллари билан тақдирланган эди. Ушбу мукофотлар тантанали равишда топширилди.

Фарғона вилоятида амалга оширилаётган ўзгаришлар, бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари ҳақида ҳикоя қилувчи фильм намойиш этилди.

— Бугун барча фарғоналиклар, айниқса, кексаларимиз жуда хурсанд. — дейди "Нуроний" жамғармаси Фарғона вилояти бўлими раиси Топиболди Холдордов. — Негаки, улар халқимизнинг, давлатимизнинг меҳр ва эътиборини ҳис этиб яшамоқда. Президентимиз 2015 йилни мамлакатимизда Кексаларни эъзозлаш йили, деб эълон қилгани нуронийларимиз кўнглини тоғдек кўтарди. Бундай эътиромдан отахон унахонларимизнинг яшашга иштиёқи ошмоқда, умрига умр шароити ва қудайликлар яратилган. Саҳна атрофида замонавий ёритиш чироқлари ўрнатилган. Қирқ гектар майдонда барпо этилган сўлим хиёбон, рангли чироқларда жилволанувчи мусиқали фаввора саройига янада чирой бағишлаб турибди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 25 июнда қабул қилинган қарорига мувофиқ ушбу санъат даргоҳи Фарғона вилояти Театр-концерт саройи сифатида фаолият бошлади. Санъат қосонасининг очирилиш маросими ҳақиқий байрам тусини олди. Унда турли вазир-

лар ишончини қозониб да концерт намойиш этилди. Таъдбирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.Иқромов иштирок этди.

Анвар САМАДОВ, Масъуджон СУЛАЙМОНОВ, ЎЗА махсус мухбирлари

Бошланғич партия ташкилотлари — бош таянчимиз

Сайловдаги муваффақият

кўп жиҳатдан қуйи бўғин ташаббускорлиги ва фаоллигига ҳам боғлиқ

Бугунги кунда ЎЗМТДП Нукус шаҳар Кенгаши қошида 51 та бошланғич партия ташкилоти фаолият юритмоқда. Улар атрофида бирлашган партия аъзолари ЎЗМТДП гоя ва мақсадларини аҳоли орасида кенг тарғиб ташвиқ қилиш, дастурий вазифаларини амалга ошириш, энг муҳими, партия ижтимоий қатлами ҳамда электорат манфаатларини ҳимоя қилиш, партия нуфузини оширишда амалий савб-ҳаракатлар олиб бораётган.

ҳаббат, садоқат ва буюк аждодларининг бебаҳо мероси билан фахрланиш туйғусини шакллантириш, мустақил шахс этиб тарбиялашга кўмаклашиш сингари партия дастурий мақсад-вазифалари ижросига ҳисса қўшиш фаолиятимизнинг асосини ташкил этади, — дейди БПП етакчиси Қувондиқ Қодиров. — Юртбошимизнинг "Юксак маънавият — энгилмас куч" асарида "фарзандларимиз биздан кўра кучли, билимли ва албатта, бахтли яшаши учун бор куч ва имкониятларимизни сафарбар этаётган эканмиз, бу борада маънавий тарбия масаласи, ҳеч шубҳасиз, беқиёс аҳамият касб этади" деб айтган фикрларига асосан, бошланғич ташкилотимиз маънавий-маърифий соҳага оид махсус дастур ишлаб чиққан. Айни кунда талаба-ёшларнинг дарсдан бўш вақтларида маънавий ташкил этиш мақсадида қуйи бўғин қошида ташкил этилган спорт, тўқувчилик, тикишбичиш, хунармандчилик ва бадий ҳаваскорлик каби тўғарақларга ёшлар кенг жалб қилинмоқда.

Бугунги глобаллашув жараёни ахборот хуружлари таъсирида "оммавий маданият" никоби остида кириб келаётган салбий иллатлардан навақрон авлодни ҳимоя қилиш, уларни миллий тикланниш гояси, миллий маданият ва қадриятларни эъзозлаш руҳида тарбиялаш, маънавиятини янада бойитиш масаласига жиддий эътибор қаратишни тақозо этмоқда. Қуйи бўғин томонидан ана шу мақсадда "Ёшлар орасида ёт гоялар ва диний экстремизмга

қарши курашиш — долзарб масала", "Глобаллашув ва "оммавий маданият", "XXI аср — интеллектуал авлод асри", "Глобаллашув ва ёшлар маънавияти" каби мавзуларда ўтказилаётган таъдбирлар ёшлар маънавиятини юксалтириш, уларда мафқуравий иммунитетни шакллантиришда муҳим аҳамият касб этаётган.

— Қуйи бўғинлар амалий фаолиятни кучайтириш, сиёсий баҳсга киришиш, муқобил тақлифлар билдира олиши учун аҳолини қизиқтираётган масалаларни чуқур ўрганишлари зарур, — дейди қуйи бўғин етакчиси Қ.Қодиров. — Айни кунларда қизгин давом этаётган сайловда ташвиқоти жараёнида электоратимизни ўйлантираётган масалалар ечими бўйича ҳаётини тақлифлар ишлаб чиқиб, номзодларимизга хар томонлама кўмб беришга интиляялғимиз. Шунингдек, қуйи ташкилотимизнинг билимли, салоҳиятли, партия гоя ва мақсадларини кенг тарғиб-ташвиқ этишга қодир бўлган аъзолари номзодларнинг ишончли вакиллари сифатида сайловда ташвиқотида фаол иштирок этмоқда.

Бошланғич партия ташкилотлари ЎЗМТДП ва электорат ўртасида кўприк вазифасини бажариши лозим. Натижада партияимизнинг жамиятдаги нуфузи янада мустаҳкамланади, хайрихоҳларимиз сафи кенгайди.

Илья ДИЛЬМАНОВ, "Milliy tiklanish" мухбири

Маҳаллийлаштириш

Иқтисодиётда миллий бренд

нуфузини юксалтириш ЎЗМТДПнинг муҳим вазифаларидан

Мамлакатимизда иқтисодиётни эркинлаштириш, ишлаб чиқариш қорхоналарига имтиёз ва преференциялар бериш халқимизнинг турмуш фаровонлигини оширишга қолмай, мамлакатимиз саноати ва "Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган" ёрлиги остидаги маҳсулотлар нуфузининг ошишига ҳам хизмат қилаётган. Бу борада юртимизда амал қилаётган маҳаллийлаштириш дастури ижроси муҳим аҳамият касб этмоқда. Зотан, мазкур дастур орқали импорт ўрнини босувчи маҳсулотларни ишлаб чиқаришга кенг эътибор қаратилмоқда. Бу эса Ўзбекистон "Миллий тикланниш" демократик партияси гояларига ҳамоҳанг бўлган маҳаллий ишлаб чиқариш қорхоналари фаолиятини янада жонлантиришни тақозо этади.

— Бир вақтлар уч гилдиракли мотоцикли фақат Корея ёки Хитой телесериалларида кўра эдим, — дейди навоийлик хунарманд Роҳила Раҳмонова. — Бундай маҳсулот эндиликда қўшни Самарқанд вилоятида ишлаб чиқарилаёпти. Унинг 600 килограмдан ортиқроқ юкни кўтари олиши биз каби хунармандларнинг маҳсулотини бозорда олиб чиқишга оғирини енгил қилмоқда.

Бугун қайси тадбиркор билан сўхбатлашманг, ундан ана шундай сўزلарни эшитасиз. Кимдир Роҳила опага ўхшаб мотоциклини мақтаса, бошқаси ўзимизда яъни маҳаллий қорхоналаримизда ишлаб чиқарилаётган тракторлар сифатини юқори баҳолайди. Юртимизда ишлаб чиқарилаётган автомотобиллар, асосан, хорижда экспорт қилинаётган, хариidorлар биcсёр. Шунингдек, "Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган" ёрлиги остидаги қийим-кечак ва трикотаж маҳсулотлари ҳам аллақачон жаҳон бозориди хариidorлар ишончини қозониб улгурган. Бир сўз билан айтганда, маҳаллий маҳсулотлар сифати кундан-кунга яхшиланаётган, хориж маҳсулотлари билан беамал рақобатга киришмоқда. Бу эса мамлакатимизда Президентимиз раҳнамолигида маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни қўллаб-қувватлашга доир давлат сиёсатининг изчиллиги олиб борилаётгани самарасидир.

"Миллий тикланниш" демократик партияси ҳам ишлаб чиқариш соҳасидаги ана шундай миллий сиёсатни янада ривожлантириш тарафдори. ЎЗМТДП сайловда Платформасида халқимизнинг, ёшларнинг бевосита юртимизда ишлаб чиқарилаётган замонавий сифатли қийим-кечакка бўлган эҳтиёжини қондириш, енгил ва ихчам тўқимачилик қорхоналари сонини кўпайтириш тақлифини илгари сурмоқда. Партия нуктаи-назарига кўра, бундай кичик қорхоналар иқтисодий барқарорлигининг энг муҳим омилларидан биридир. Бундай ишлаб чиқариш субъектларини мамлакатимизнинг чекка ҳудудларида ҳам ташкил этиш аҳоли, биринчи навбатда, ёшларни муҳим иш ўрни билан таъминласа, иккинчи томондан мамлакатимиз пойтахти ва ҳудудларни, шаҳар ва қишлоқларни ўзаро уйғун ривожлантиришга хизмат қилади. Зотан, иқтисодий ва ижтимоий ривожланишда ҳудудлар бўйича айрим нуманосибликларга барҳам бериш, турли минтақада яшаётган одамларнинг яшаш шароити ва турмуш тарзини тенглаштиришга қаратилган солиқ-бюджет сиёсатини амалга ошириш каби вазифалар ҳам партия сайловдаги дастуридан ўрин эгаллаган.

Ички ва ташқи бозорда миллий брендни тақлиф этаётган ЎЗМТДП икки йирик миллий

ташувчилар — "Ўзбекистон ҳаво йўллари" миллий авиацияси ва "Ўзбекистон темир йўллари" давлат акциядорлик компаниясининг мавқеини янада мустаҳкамлаш тарафдори. Мазкур икки миллий ташувчиларда хизмат сифатини янада ошириш, янги маршрутларни ишга тушириш иқтисодини янада мустаҳкамлайди, фойдаланувчилар сонини оширади.

Партиянинг иқтисодий соҳадаги энг муҳим вазифаси — бу мамлакатимизда туризмни янада ривожлантириш гоясининг илгари сурилганидир. Туризм — дунё бўйича иқтисодиётнинг юқори даромад келтирадиган ва жадал ривожланаётган тармоқларидан бири саналади. Мазкур соҳа дунё мамлакатлари ва халқларининг маданият борасидаги амалий мулоқотида ўзига хос робита вазифасини ўтамоқда. Айни пайтда дунёда 235 миллиондан ортиқ киши ушбу соҳада меҳнат қилаётган. БМТ Жаҳон сайёҳлик ташкилотининг маълумотларига кўра, дунёда сайёҳлар оқими ҳар йили 4-5 фоизга кўпаймоқда.

Яқинда Самарқандда бўлиб ўтган БМТ Жаҳон сайёҳлик ташкилоти Ижроия кенгашининг 99-сессиясида таъкидланганидек, Ўзбекистон ҳам сайёҳлик соҳасида улкан салоҳиятга эга. Ватанимиз тарихий қадимжолари кўпчилиги бўйича дунёдаги етакчи ўн мамлакат қаторида туради. Мамлакатимизда етти мингдан зиёд тарихий ва маданий ёдгорлик бор. Самарқанд, Бухоро, Хива ва Шаҳрисабз шаҳарлари ЮНЕСКОнинг Бутунжаҳон мероси рўйхатига киритилган. Юртимизда сайёҳликнинг экотуризм, геотуризм, экстремал, тиббий ва маданий йўналишлари, отда, туяда, автомобилда саёҳат қилиш, альпинизм, балиқ ови, рафтинг каби қўллаб турлари ривожланмоқда.

Таъкидлаш жоиз, мамлакатимизда ЎЗМТДП Ҳаракат дастурида алоҳида эътибор қаратилган экотуризм ҳам жадал суратлар билан ривожланмоқда. Бухоро вилоятидаги "Жайрон" экомарказида, Тошкент вилоятининг Бўстонлик тумани, Қорақалпоғистон Республикаси Мўйноқ тумани, Жиззах вилояти Зомин туманидаги табиий ҳудудларда экотуризм йўналишида хизмат кўрсатиш инфратузилмалари яратилган.

Бу объектлар юртимиз табиятини дунё халқларига кўз-кўз қилиш, қолаверса, экотуризмга ривожлантириш мамлакат иқтисодиётининг юксалиши ва жаҳон миқёсида обрўсининг ортишига хизмат қилади. БМТ маълумотларига қараганда, ҳар йили экотуризмдан Эквадор 1,18 миллион, Непал 1,55 миллион АҚШ долларини миқдорда даромад олади. Ушбу мамлакатларнинг экотуризмдан ол-

ган даромади мамлакат ялпи ички маҳсулотининг 70-80 фоизини ташкил этади. Айни пайтда жаҳон туризми саноатида халқаро туризмдан тушган даромад автомобиль, нефть-газ ишлаб чиқариш саноатидан кейин учинчи ўринни эгаллайди.

Шунинг учун ҳам Ўзбекистон "Миллий тикланниш" демократик партияси йил сайин иқтисодиётнинг асосий тармоқларидан бирига айлиб бораётган туризм соҳасини ривожлантиришни ўзининг долзарб вазифаларидан бири, деб ҳисоблайди. Таъкидлаш керакики, Ўзбекистон ўзининг бетакорор банди, хушманзара маҳкамлари, бой маданий мероси ва қадимжолари билан хорижлик сайёҳларни ўзига мафтун этиб келмоқда. Партиянинг фикрича, ана шу омил мамлакатимизда салоҳияти ҳозирча тўлиқ ишга солинмаган туризм индустриясини ривожлантириш ва юртимизни жаҳон туризм марказларидан бирига айлантириш имконини беради. Бундан ташқари, мазкур соҳани ривожланиши қўшимча иш ўринлари яратилиши, аҳоли бандлигини ошириши, фаровонлигини юксалтиришга хизмат қилади. Туризм айни пайтда маърифат ва фуқаролик жамиятининг маънавий асосларини шакллантиришда кучли восита вазифасини ўтайди. Шунингдек, ЎЗМТДП туризм саноатида йўналирилаётган инвестициялар оқимини янада рағбатлантириш чора-тадбирларини қўриш, хусусий капитал ва бизнесга имтиёз ва преференциялар бериш, туристик фаолият билан шуғулланидиган субъектлар томонидан тўланадиган солиқ ва мажбурий тўловлар ҳисобидан шаклланидиган моддий маданият меросини қайта тиклаш ва капитал таъмирлаш жамғармасини ташкил этиш, замонавий менежмент, шунингдек, ватандошларимиз ва хорижий туристларга Ўзбекистоннинг ўрни ва ҳозирги кунини тўғрисида ишончли ахборотни етказиш кўникмаларига эга бўлган кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлашнинг миллий тизими самардорлигини оширишни муҳим, деб ҳисоблайди. Бундан ташқари, ЎЗМТДП соҳадаги мавжуд маъмурий-бўйруқбозликни, хорижий ва маҳаллий туристлар учун расмиятчиликни бартараф этиш, туристларни рўйхатдан ўтказиш, автомобиль ташув хизматлари билан боғлиқ жараёнларни соддалаштиришга қаратилган чора-тадбирларни амалга ошириш, давлатнинг виза бериш тартибин соддалаштиришга қаратилган виза сиёсатини давом эттириш, айниқса, биз билан узоқ муддатли стратегик шериклик алоқаларини ўрнатган ва барқарор туристик бозорга эга бўлган давлатлардан келаятган фуқароларга нисбатан эътиборли бўлиш, ўзаро визалар алмашиш соҳасида интерактив давлат хизматларини жорий этишни соҳа ривожини учун муҳим, деб ҳисоблайди.

Мухтасар айтганда, ЎЗМТДПнинг иқтисодий соҳадаги вазифалари иқтисодиётда миллий бренд нуфузини ошириш, халқимиз турмуш фаровонлигини янада юксалтириш, қўшимча иш ўринларини яратиш, ишлаб чиқариш сифат ва самардорлигини ошириш ҳамда уларни ҳаётга муваффақиятли татбиқ этишга қаратилган.

Ҳасан САЛОМОВ, "Milliy tiklanish" мухбири



Миллий ахборот-коммуникация соҳасини ривожлантириш стратегиясини ишлаб чиқишни ўз фаолиятининг устувор вазифаларидан бири сифатида белгиланган ЎзМТДП келгусидаги фаолиятида миллий ахборот маконининг босқичма-босқич ривожлантирилиши ва шу орқали жойларда замонавий ахборот-коммуникация технологияларининг жорий этилиши, интернет тармоғининг миллий сегментларини ривожлантириш, радиоэшиттиришлар тизимини модернизация қилиш, Миллий телерадиокомпаниянинг давлат томонидан бундан кейин ҳам қўллаб-қувватланишини амалга оширишга кўмаклашади.

Жараён

Депутатликка номзодлар — сайловчилар ҳузурида

учрашувларда ЎзМТДП гоё ва мақсадлари қўллаб-қувватланмоқда



(Давоми. Бошланиши 1-бетда)

Тошкент шаҳри. — 124-Оқтепа сайлов округидан Олий Мажлис Қонунчилик палатасига номзоди кўрсатилган ЎзМТДП аъзоси Мухтабар Хусановнинг сайловолди дастури менда катта қизиқиш уйғотди, - дейди Учтепа тумани Хайратий маҳалла гузаридан ўтган учрашув иштирокчиси, талаба Иброҳим Шобулатов. — Айниқса, номзоднинг жамиятда ҳуқуқий маданиятни янада юксалтириш, ёшларнинг ҳуқуқий-сиёсий билимларини бойитиш, уларнинг манфаатларини қонуларда янада кенгрок акс эттириш борасидаги мақсадлари биз ёшлар учун аниқ муқаддим. Унинг сайловолди дастурида илгари сурилган мамлакатимиз суд-ҳуқуқ тизимини ривожлантириш, жинсий қонуқчиликни инсонпарварлаштиришга кўмаклашиш вазифалари халқимизнинг миллий манталитетиға мослиги билан ахамиятлидир. Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси ва унинг номзоди томонидан илгари сурилган бу гоёларни қўллаб-қувватлаймиз.

Дарҳақиқат, номзод Мухтабар Хусанов Учтепа туманидаги қатор маҳалла ва мактабларда сайловчилар билан учрашиб, партия гоё ва мақсадларини кенг тарғиб этмоқда. У мутахассис сифатида партиянинг суд-ҳуқуқ тизимидаги мақсад-вазифаларини амалга ошириш, миллий манфаатларининг ҳимоясининг қонуқчилик асосларини янада такомиллаштириш ва мустақамлашни ўзининг устувор вазифаси деб билади.

Бундан ташқари, Тошкент шаҳридаги турли сайлов округларидан Қонунчилик палатасига номзоди кўрсатилган Азамат Зиё, Илҳом Абдуллаев, Наврузжон Алимов, Умида Каримова ва бошқалар жойларда сайловчилар билан учрашиб, ташвиқот ишларини олиб боришмоқда.

Бухоро. 23-Шоҳруд сайлов округидан Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлигиға номзод этиб рўйхатга олинган Умида Норбоева Галаосиё педагогика, иқтисодиёт, қишлоқ хўжалик ҳафтада қишлоқ ва транспорт касб-хунар коллежларида бўлиб ўтган учрашувларда иштирокчилар номзодға тумандаги мавжуд муаммолар юзасидан маҳаллаларда сайловчилар билан учрашди. Учрашувларда у ўз сайловолди дастури

асосида қишлоқларда маҳаллий хонашарҳларни қайта ишлаш қорхоналарини ташкил этиш орқали янги иш ўринларни яратилишиға кўмаклашишни таъкидлади. Шунингдек, туризм, хусусан, экотуризмни ривожлантиришға, худудда хотин-қизлар спортини омалаштириш ва кенгайтиришға кўмаклашиш, мавжуд маданий ёдгорликларни асраб-авайлаш ва қайта таъмирлаш, қишлоқ аҳолисининг ҳаётининг ободлиги ва фаровонлигини ошириш каби муҳим вазифаларға эътибор қаратишни қайд этди. Айниқса, қишлоқ жойларда хунармандчилик, оилавий тадбиркорлик ва қасаначиликни ривожлантириш орқали хотин-қизлар ва ёшларнинг иш билан бандлигини таъминлаш масалаларидан ташаббус кўрсатишға ваъда берди. Яъни, депутат этиб сайланса, ўз сайловолди дастурида акс этган масалаларнинг ижросига қаратилган ҳуқуқий базани янада такомиллаштириш, шунингдек, уларнинг худуддаги ижросини таъминлашда депутатлик сўрови орқали кўмак бериш ниятида эканини таъкидлади.

Умида Норбоева ўз сўзида мамлакатимизда ёшлар маънавиятини юксалтириш, миллий қадриятларни асраб-авайлаш, халқ амалий санъати мактабларини янада ривожлантириш, хунармандларнинг самарали фаолияти учун зарур шароит ва имкониятлар яратиш масаласиға алоҳида эътибор қаратди. Авлодлардан-авлодларға ўтиб келаётган ноҳир санъат сирларини, хунармандларнинг машаққатли меҳнати натижасида яратилаётган ноёб асарларни сақлаб қолиш ва ривожлантириш, халқ хунармандчилигини омалаштириш хусусида тўхталиб, ушбу масалалар партиянинг асосий мақсадларидан эканлигини таъкидлади.

26-Пайкент сайлов округидан Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлигиға номзод этиб рўйхатга олинган Назир Собирова ҳам ўзининг сайловолди дастурида одамларнинг турмуш тарзи, биринчи навбатда, қишлоқ аҳолисининг ҳаётининг фаровонлигини оширишға эътибор қаратган ҳолда иш юритишни ўз олдиға мақсад қилиб қўйган. Қоракўл туманидаги саноат ва транспорт ҳафтада иқтисодиёт касб-хунар коллежларида бўлиб ўтган учрашувларда иштирокчилар номзодға тумандаги мавжуд муаммолар юзасидан маҳаллаларда сайловчилар билан учрашди. Учрашувларда у ўз сайловолди дастури

лим муассасалари йўлларини асфальтлаштириш, касб-хунар коллежлари талабаларини имтиёзли транспорт билан таъминлаш, ёшларнинг маънавиятини юксалтиришға хизмат қиладиган кинотеатрларнинг доимий ишлашини йўлга қўйиш ҳамда аҳолининг мавжуд томорқалари ҳосилдорлигини янада ошириш борасида мукობил чораларни жорий этишға кўмаклашиш каби қатор саволлар билан мурожаат этишди. Сайловчиларнинг барча саволларига номзод томонидан атрафлича жавоб қайтарилди.

Ҳуқуқий демократик давлат қуриш ва эркин фуқаролик жамиятини барпо этиш жараёнида мамлакатимиз миллий манфаатлари, инсон омили олий қадрият сифатида ислохотлар марказиға қўйилди. Ислохот ислохот учун эмас, аввало, инсон учун деган таъмомий устувор вазифалардан бириға айланди. 25-Варахса сайлов округидан Қонунчилик палатаси депутатлигиға номзоди кўрсатилган Жаҳонгир Ширинова ҳам инсон ҳуқуқларини ҳимоясини бош мезон деб билади. Унинг сайловолди дастурида мурувват, кечиримлилик, инсонпарварлик ва бағрикенглик каби олийжаноб вазифалар суд амалиётиға янада кенгрок жорий этилиши муҳимлигиға эътибор қаратилган. Шунингдек, оила, мерос, уй-жой даввоси ва маъшиий турмуш манабда тугилладиган бошқа низолларни судға ҳал этиш тизимини ривожлантириш, ҳар қандай низони халқимизға хос бўлган тинч йўл билан ҳал этишға интилиш ва мурося йўлини излаш каби жиҳатлар ўрин олган. Жондор туманининг қатор маҳаллаларида ўтган учрашувларда номзод ушбу мақсад-вазифаларни амалға оширишда маҳалла билан ҳамкорлигини янада ривожлантиришни эътироф этди.

Андижон. 16-Пахтаобод сайлов округидан Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлигиға номзод Гулнора Валихонваннинг Пахтаобод туманидаги маъшиий хизмат касб-хунар коллежиди сайловчилар билан бўлган учрашувни кизгин руҳда ўтди. Коллежнинг овоз бериш ёшиға етган талабалари, педагогик жамоаси, туманнинг "Пайнуб", "Гузар", "Шовруқ" маҳаллалари фуқаролари иштирок этган учрашувларда номзоднинг ишончли вакили Аҳмадқул Тўхтаев Гулнора Валихонова ҳақида сайловчиларға батафсил маълумот берди:

— ЎзМТДП аъзоси ва фаоли Гулнора Валихонваннинг тарихий мутахассис сифатида миллий қадриятларимиз, урф-одатларимизни тарғиб этиб ёзган 40 дан ортик илмий мақолалари "Миллий тикланиш" демократик партиясининг гоё ва дастурларига йўнғулиги билан ахамиятлидир. Партиянинг йирик лойиҳаларидан бири — "Донилик ва ташаббускорлик — сиёсий етакчили мезони" кўрик-танлови қолиби, "Йилининг энг фаол маънавият тарғиботчиси" республика танлови совриндори Гулнора Валихонова ЎзМТДПнинг маънавий-маърифий йўналишдаги мақсад-вазифаларни амалға оширилиши учун астойдил ҳаракат қилиб келмоқда. Агар у депутат сифатида сайланса, бу йўналишнинг қонунчилик базасини янада такомиллаштиришға катта ҳисса қўшади, - деди у.

Учрашувларда номзод сайловчиларға ўзининг сайловолди дастурини тақдим этди, эл-юрт тинчилиги ва равнақи, халқ фаровонлиги йўлидаги ҳаракатлари, орзу ниятларини баён қилди. Ўз навбатида, сайловчилар ҳам ўзларини қизиқтирган саволлар билан мурожаат қилишди. Коллежнинг маънавий маърифий ишлар бўйича директор ўринбосари Сайдулло Раҳмонов номзоднинг туризмни ривожлантиришға оид фикрларини қўллаб-қувватлаган ҳолда Пахтаободни ҳам халқаро сайёҳлар ташриф буюрувчи масканға айлантириш зарурлигини эътироф этди. Бунга жавобан номзод Андижон вилоятида 500 дан ортик тариқли маданий обидалар, қадимжолар борлиги, жумладан, Пахтаобод туманидаги Қилич Бурхониддин, Қўқ-тўнлик ота макбаралари таъмирталбалиги ва ўз дастурида бу каби тарихий жойларға жиддий ахамият қаратиш орқали уларни обод масканларға айлантириш мумкинлигини илгари сураётганини билдирди. Сайловчилар номзоднинг дастурида илгари сурилган "маънавий масуулик ҳар қандай жасоратға ундовчи кучдир" деган гоёни қўллаб-қувватладилар. Демак, бу ЎзМТДПнинг мақсад-вазифаларини амалға оширишда маҳалла билан ҳамкорлигини янада ривожлантиришни эътироф этди.

Навоий. Сайловчилар ишончини қозониш учун амалий саъй-ҳаракатлар қўламини кенгайтириш, партия гоё ва дастурларининг аҳоли орасида кенг тарғиб қилинишиға эришиш зарур. Жойларда

ташкил этилаётган номзодлар билан сайловчиларнинг учрашувлари ҳам ана шу мақсадға қаратилган. Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясиндан Олий Мажлис Қонунчилик палатасиға номзод этиб кўрсатилган "Қамолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати Навоий вилоят Кенгаши раиси Қозимжон Тожиёв ҳам ўз сайловолди дастурида белгиланган вазифалар мазмун-моҳияти ҳамда ЎзМТДПнинг гоё ва мақсадларини сайловчиларға кенгрок тарғиб қилишға қаратилган учрашувларни мунтазам ўтказиб келмоқда.

Таъкидлаш жоизки, ёшлар етакчисининг номзоди кўрсатилган 34-Навоий сайлов округида 51 та сайлов участкаси мавжуд бўлиб, бу йилги сайлов жараёнида 133 миңдан ортик сайловчилар иштирок этиши қуттилмоқда. Демак, улар билан бўлган ҳар бир мулоқот эртанги сайлов натижаларида ўз ифодасини топади. Шу қунарга номзод Навоий шаҳридаги "Ҳаёт" маҳалла фуқаролар йиғини, қатор мактаблар, "Навоийавтойўл" акциядорлик жамияти, Навоий давлат педагогика институти, "Баркамол авлод" болалар маркази, Навоий индустриал қурилиш қолижеда ўтказилган учрашувларда иштирок этди. 6 миң нафардан ортик сайловчи жалб этилган мазкур мулоқотлар жараёнида номзод ўз сайловолди дастурида белгиланган мақсад-вазифалар

билан уларни таништирди. Номзод дастурида ёшларнинг ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, рағбатлантиришға йўналтирилган лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва амалға ошириш, жойларда аҳоли, хусусан, ёшлар билан боғлиқ долзарб масалаларни ўрганиш, уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишға қаратилган қонуқчилик базасини, шу жумладан, келажакимиз ворисларини жинсийи ва маънавий-ахлоқий ривожланишиға зарар етказадиган ахборот ҳужжатларидан муҳофазат қилишға қаратилган ҳуқуқий ҳужжатлар базасини такомиллаштириш гоёларини илгари сурган.

— Депутат этиб сайлансам, депутатлик ваколатларидан унумли фойдаланган ҳолда мамлакатимизда ёшлар учун янада кўпроқ ва кенгрок шароитлар яратилишиға эришиш учун ҳаракат қиламан, - деди у учрашувлар чоғида. — Зеро, ЎзМТДПнинг сайловолди Платформасида ҳам жисмонан соғлом ва ҳар томонлама баркамол авлодни камол топтиришға кўмаклашиш устувор мақсадлардан бири сифатида белгиланган. Партияимиз тафаққури кенг, ўз қарашларида миллий гоёимизға таъянган, хатти-ҳаракати, ҳаёт тарзи билан миллий-маънавий қадриятларға, ватанпарварлик ва инсонпарварлик гоёларига садоқатли ёшларни тарбиялаб воёға етказишни ўзининг асосий вазифаси, деб билади. ЎзМТДПнинг бу каби улғувор мақсад-вазифаларини ҳаётға жорий этиш, биринчи навбатда, депутатлик бирлашмалари зиммасига юкланади.

Сирдарё. 66-Янғиер сайлов округидан номзод Сайёра Удаваннинг сайловчилар билан учрашувлари ҳам қизгин руҳда ўтмоқда. Юзма-юз мулоқотларда иштирокчилар номзодға катта умид ва ишонч билан қараб, ўз интилишларини, турмуш фаровонлигини ва худуд равнақиға оид қатор саволлар билан мурожаат қилишди. Жумладан, мактаблар қутубхоналарининг китоб фондини бойитиш, бадий, илмий адабиётлар сонини

кўпайтириш, уй-жой қуриш бўйича имтиёзли кредитлар олиш, коллеж-мактаб ўқувчилари учун қолай ва имтиёзли транспорт қатновини йўлга қўйиш, қишлоқлар фаровонлиги ва ободлигини таъминлаш борасидаги қўллаб-қувватлаш масалаларини муносиб жавоб қайтарди. Яъни аҳолини қизиқтираётган ва ўйлантираётган ушбу масалаларнинг барчаси унинг сайловолди дастурида назарда тутилганлигини, қолаверса, ЎзМТДП сайловолди Платформасидан ҳам ўрин олганини эътироф этди. Айниқса, у педагог сифатида ёшлар масаласиға алоҳида эътибор қаратишини, уларнинг таълим олиши, меҳнат қилиши, маданий ҳордик чиқариши, спорт билан шуғулланиши, шунингдек, ёшларға табиий ҳаракатларни қўллаб-қувватлашни таъкидлади: — Ёшлар қалбиди юксак ватанпарварлик туйғуларини тарбиялаш, уларда умуммиллий бирдамлик, диний бағрикенглик, миллатлараро тотувлик, ижтимоий адолат, маънавий етуқлик каби умуминсоний вазифаларни камол топтириш, фарзандларимизни турли таҳдид ва таъвоуслардан ҳимоя қилишға кўмаклашишни мақсад қилганман, - дейди у. — Ниятим партиянинг "Миллий тикланиш" — миллий юксалиш сари" гоёсини ҳаёт-

Ҳуқуқ ва бурч

Сайлов тизимига 2012 йил 28 декабрда киритилган қўшимча ва ўзгартишларға мувофиқ, сайлов қонуқчилигимизда сайлов куни ва овоз бериш бошланишиға бир кун қолинда сайловолди ташвиқотиға йўл қўйилмаслигиға оид норма белгиланганидан хабардормиз. Агар мумкин бўлса, ушбу талабнинг моҳиятини янада кенгрок тушунтириб берсангиз ...

Дилдора ЭШОВА,
Тошкент шаҳри Сергели тумани

— Президентимиз Ислам Каримов томонидан илгари сурилган Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясининг тўртинчи йўналиши бевосита Ўзбекистонда сайлов ҳуқуқи эркинлигини таъминлаш ва сайлов қонуқчилигини ривожлантириш масалалариға тегишли. Юртбошимиз миллий амалиёт ва илгор демократик мамлакатларнинг сайлов қонуқчилигида кенг қўллаб-қувватлаган тажрибаларни эътиборға олиб, "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисиға сайлов тўғрисида"ги қонунинг 27-моддасиға сайловолди ташвиқотини нафар қарай сайлов куни, балки овоз бериш бошланишидан бир кун олдин ҳам олиб бориш мумкин эмаслиги тўғрисидаги нормани киритиш таклифини илгари сурган эди. Бир қатор ривожланган ҳорижий давлатларда кенг қўлланалиётган мазкур норманинг қонуқчилигимизға киритилиши сайловчиларға ўз қарашларини, сиёсий хайрихоҳлигини аниқлаб олиш, бошқача айтганда, уларнинг қим учун ва қандай сиёсий дастурға овоз бериш масаласида онгли равишда аниқ бир қарорға келиши учун қўшимча вақт берилишиға имкон яратади. Бундан ташқари, Президентимиз қонуқчилигининг ушбу қисмининг такомиллаштириш овоз бериш арафасида турли суистемийлик ва қонуқбузилишларининг олдини олиш имконини ҳам беради, деб алоҳида таъкидлаган эди.

Ушбу концептуал гоёларни ҳисобға олган ҳолда сайлов қонуқчилигимизға сайловолди ташвиқоти тушунчасини аниқловчи, сайловолди ташвиқотини олиб бориш турлари, шакллари ва усуллари белгиланган ҳолда сайловолди ташвиқотини омвий ахборот воситалари, босма, кўргазмалар, аудивизуал ва бошқа ташвиқот материалларини чиқариш ҳамда тарқатиш, шунингдек, сайловчилар билан учрашувлар ўтказиш орқали олиб бориш тартибларига оид янги нормалар киритилди.

Айни пайтда сайлов жараёнининг муҳим ва масуулиятли босқичларидан бири — сайловолди ташвиқоти энг қизгин паллага кирган. Ушбу босқичда депутатликка номзодлар, сиёсий партиялар сайловчиларни ўзларининг келгуси фаолият дастурлари билан таништирмоқдалар. Сайловолди ташвиқоти нечоғлик фаол ва самарали ташкил этилса, овоз тўплаш имконияти ҳам шунчалик кенгайди. Иккинчи томондан, сайловчилар депутатликка номзодларнинг шахси, билими, салоҳияти, дастурларининг асосий йўналишлари, мазмун-моҳияти ва келгусидаги режаларига оид маълумотларға эға бўлишади. Овоз бериш қунидан бир кун олдин сайловолди ташвиқотининг тўхтатилиши, сайловчиларға турли манбалар (радио ва телевидение, интернет тармоқлари, босма материаллар, бевосита учрашувлар) орқали олинган маълумотларни бамайлхотир таҳлил қилиш, мулоҳаза юритиш, муносиб деб топилаган номзодға овоз беришлариға имконият ва қаролат яратади. Энг муҳими, сайловчиларнинг ўз хоҳиш-иродасини билдириш эркинлиги турли таъсирлардан ҳимоя қилинади.

Саволларға ЎзМТДП фракцияси аъзоси Акмал РАҲМОНОВ жавоб берди.

га татбиқ этиш орқали фуқароларимизда миллий ўзлини англаш, инсоний қадр-қимматни қадрлаш, она тилимизни улғулаш, қадрият ва анъаналаримизни эъзозлаш каби туйғуларни мустаҳкамлашға хизмат қилишидир.

Дарҳақиқат, учрашувлар мобайнида барча номзодларимизнинг партиявий мақсадлари ҳамда бугунги замон талабиға мос равишда мамлакатимиз ҳаётини раванқи учун муҳим бўлган қатор вазифаларни амалға ошириш борасида илгари сураётган дастури сайловчилар томонидан қўллаб-қувватланмоқда. Мамлакатимиз миллий манфаатларини ҳимоя қилиш, маънавий қадрият, урф-одат ва анъаналар ҳамда тарихий меросимизни асраб-авайлашға кўмаклашиш партия сайловолди Платформасида белгиланган устувор вазифалардан саналади. Ушбу йўналишдаги ишлар самарадорлиги бевосита сайлов компанияси давридаги тарғибот-ташвиқот жараёнида ҳам ўз аксини топади. ЎзМТДП номзодлари ана шу жиҳатларға алоҳида эътибор қаратган ҳолда сайловчилар билан юзма-юз мулоқотларни давом эттиришмоқда.

Мухтарама КОМИЛОВА,
Маннон ОТАБОВ,
Замира РЎЗИЕВА,
Ўралой ТУРДИЕВА,
"Миллий тикланиш"
мухбирлари



Партия халқ дипломатиясини фаоллаштириш тарафдоридир. Хусусан, Ўзбекистон хорижий мамлакатлар билан дўстлик ва маданий-маърифий алоқалар жамиятлари кенгашининг дунё халқлари, хорижда яшайётган ҳамюртларимиз билан дўстлик ва ҳамкорликни мустаҳкамлаш, Ўзбекистон халқининг тарихи ва маданияти билан хорижий мамлакатлар жамоатчилигини таништириш борасидаги фаолиятини такомиллаштириш бўйича чора-тадбирларни қабул қилишни қўлайди.

Бизнинг шарҳ

Парламент сайлови

партиялар учун жиддий имтиҳон ҳисобланади. Бошқача айтганда, айнан сайловдаги натижалар партиялар фаолиятига берилган муносиб баҳодир



Сайловларда очиқ ва ошкораликни таъминлаш, сайловчилар учун ўзи хоҳлаган номзодга овоз беришга шарт-шароит яратиб бугунги сиёсий жараёнларнинг асосий шартларидан саналади. Бундай азалий ва ўзгармас қадриятга кўнгина дунё давлатларида ҳам жиддий эътибор қаратилади. Бундан фарқли равишда ҳар бир мамлакатда сайловлар тизими вақт ва замон таъсирида турли қўрилишларда равишда бўлиши мумкин.

эса 674 аъзо фаолият кўрсатади. Куйи палатада ҳар бир депутат 5 йил муддатга сайланса, лордлар фаолияти муддати чекланмаган.

Парламент аъзоси бўлишга интилайётган номзодлар тегишли ҳудудда етарли миқдорда овоз тўплаб, галаба қозонса, парламентга бир ҳафта муддат ичида ўша округда иш юритиши ҳақидаги маълумотни тақдим этиши шарт.

Буюк Британия қонунчилигида хотин-қизларнинг сиёсий жараёнлардаги иштирокига кенг ўрин берилган. Маълумотларга қараганда, ҳозир Вакиллар палатасида 42 нафар депутат аёл фаолият юритмоқда. Мамлакатда 18 ёшга тўлган фуқарога овоз бериш, 21 ёшдан катта бўлганларга сайланиш ваколати берилган. Сўнгги маълумотларга қараганда, қиролликда 44 миллиондан ортиқ аҳоли овоз бериш ҳуқуқига эга. Давлат хизматчилари, хусусан, судьялар, вазирлик ходимлари, дипломатлар, қурулди кучлар вакиллари, руҳонийлар, жазони ўташ муассасасида сақланаётган маҳбуслар, руҳий носоғлом фуқаролар сайланиш ҳуқуқидан маҳрумдир. Мабодо нолойиқ шахслардан бирортаси сайланиб қолинадиган бўлса, мазкур округдаги сайлов натижалари бекор қилиниб, қайтадан ўтказилади.

Буюк Британияда номзод тегишли идорага 10 та имзо қўйилган номинация ҳужжати тақдим этгач, 500 фунт-стерлингга гаров пулини тўлаши керак. Сайловда беш фоизлик марра эгаланмаса, гаров пули қайтарилмайди. Сайловдаги кампанияси жараёнида номзод бегона шахслар томонидан моддий томондан қўллаб-қувватланиши таъқиқланган. Қиролликда сиёсий партиялар Германия, Швеция, Финляндиядагидек давлат томонидан маблағ билан таъминланмайди.

Буюк Британияда ўзига хос сайлов тизими мавжуд. Сайлов участкаларида қазувчилар билан бир қаторда партия кўнчиликлари ҳам иш олиб боради. Уларнинг асосий вазифаси сайловчилар сонини ҳисоблаб боришдан иборат. Улар

ўз тарафдорларини овоз беришга унда-са-да, бироқ овоз бериш жараёни ўтаётган бинога киришга рўхсат берилмайди. Ҳар бир фуқаронинг сайлов участкасига келиши шарт эмас, почта ёки ишонч қозғи орқали ҳам ўзи танлаган номзодга овоз бериши мумкин.

Британия Вакиллар палатаси юқори мавқега эга. Чунки ҳукумат фақат Вакиллар палатасига ҳисобот беради ва улар назоратида бўлади. Парламент аъзоларининг ваколати тугагач, 30 кун ичида янги сайлов ўтказилади, Лордлар палатаси эса бундан мустасно.

Парламент сайловида асосий кураш Консерваторлар ва Лейбористлар партияси ўртасида кечади. Либераллар, социал демократлар, Олстер миллат, Шотландия миллат партиялари ҳам Вакиллар палатасидан ўнлаб ўринларни қўлга киритган. 2010 йилдаги парламент сайловларида консерваторлар нисбатан кўп мандатга эга бўлишди. Бу бир партияли ҳукуматни шакллантириш учун камлик қилди. Натижада ҳукумат коалицияси тузилиб, унга консерваторлар ва либерал демократлар киритилди.

Лордлар ва Вакиллар палатаси кўҳна, асосан қирол-у, қиролчалар яшаган Лондондаги Вестминстер саройида иш юритади. Ҳар бир сессия одатда бош вазир томонидан тайёрланган дастур асосида қиролчи маърузаси билан бошланиши қонунда белгилаб қўйилган. Сиёсий арбоб спикерлига тавсия этилгач, у ўз партиясидаги фаолиятини тўхтатиши керак.

САЙЛОВДА СИЁСИЙ ПАРТИЯЛАР ФАОЛ

Бугунги Нидерландия қироллигида биринчи Конституция 1815 йили қабул қилинган. Унда қонун чиқарувчи олий идора икки палатадан иборат бўлиши белгиланган. Ҳозир мамлакатда гарчи 10 дан ортиқ сиёсий партия фаолият кўрсатса-да, сўнгги йилларда уларнинг 6 таси парламентдан кўпроқ ўрин эгалламоқда. Юқори палата, яъни Сенатда 75, қуйи палатада эса 150 депу-

татлик ўрни мавжуд. Депутатлар умумий овоз бериш йўли билан 4 йил муддатга сайланади.

Куйи палата қонун лойиҳасини бир кундан бир ҳафтагача бўлган вақт оралиғида кўриб чиқиши мумкин. Шундан сўнг қонун лойиҳаси юқори палатага киритилади. Хал қилувчи қарорни юқори палата чиқаради. Парламент томонидан қабул қилинган қонунлар монарх томонидан тасдиқланади.

Куйи палата юқори палатада қабул қилинган қонунларга вето қўйиш ҳуқуқига эга. Сўнгги бор мазкур палатага 2011 йилнинг 7 мартида сайлов бўлиб ўтган. Юқори палатага эса навбатдан ташқари сайлов 2010 йилнинг 9 июнида ўтказилган бўлиб, якунга кўра, ҳукмрон коалиция ҳукумати тузилган.

Нидерландия кўҳна қитъа — Европада мутлақ монархия тузумидан Конституциявий монархия ва парламент демократиясига ўтган биринчи давлат ҳисобланади. 1917 йили Конституцияга тузатиш киритилиб, унга кўра, 23 ёшгача бўлган барча эркеклар овоз бериш, 1919 йилдан эса аёллар ҳам худди шундай ҳуқуққа эга бўлган. 1971 йилдан бошлаб 18 ёшга тўлган барча фуқароларга овоз бериш ҳуқуқи берилган.

Нидерландия монархи расмий равишда давлат раҳбари ҳисобланади. У йилда бир бор парламентда маъруза қилади. Сайловлар ўтказиш ва янги ҳукуматни шакллантиришда ҳам монархнинг ўрни катта. Сайловдан сўнг давлат раҳбари фракция етакчилари, парламентнинг ҳар икки палата раислари, давлат кенгаши раиси ўринбосари билан маслаҳат қилиб, Қирол уларнинг тавсиясига биноан "ахборотчи"ни тайинлайди.

Нидерландия қонунчилигида кўра, қиролликда Конституциявий суд фаолият кўрсатмайди. Судьяларга қонунларни қайта кўриб чиқиш ваколати берилмаган.

2001 йили Нидерландия парламенти Европада биринчи бўлиб эвтаназияга рўхсат берувчи қонунни тасдиқлади. Бу давлат Европа интеграциялашув жараёнини кенгайтириш ва чуқурлаштириш тарафдори ҳисобланади. Евро пул бирлигига ўтиш чоғида ҳам аҳолининг қарийб 77 фоизи уни қўллаб-қувватлаган. Бу Европа Иттифоқиди энг юқори кўрсаткичдир. Бундан ташқари, Нидерландия ривожланаётган мамлакатларга энг кўп ёрдам кўрсатётган мамлакат сирасига қиради.

Парламент сайлови партиялар учун жиддий имтиҳон ҳисобланади. Бошқача айтганда, айнан сайловдаги натижалар партиялар фаолиятига берилган муносиб баҳодир. Бугунги кунда Буюк Британия ва Нидерландияда ўтказилган парламент сайловлари партиялар ўртасида баҳс-мунозаралар, сайловчилар овози учун рақобатлашиш имконини яратмоқда. Партиялар ўртасидаги бундай эркин рақобат парламент демократиясининг ривожига ижобий таъсир кўрсатмоқда. Зеро, ривожланган мамлакатлардаги сиёсий партиялар ҳукумат томонидан амалга оширилаётган ишлорларнинг изчиллиги ва бардавомлигини таъминлашга катта ҳисса қўшмоқда.

Бехбуд БОТИРОВ,
"Milliy tiklanish" шарҳловчиси

ДУНЁДАН ДАРАКЛАР

Тўфон тингани йўқ

Филлипиндаги "Хагупит" тўфони қурбонлари 20 кишидан ошган.

Бу ҳақда Халқаро кизил хоч қўмитаси маълумот берган. Хабарларга қараганда, шамол нисбатан кучсизланганига қарамай, унинг тезлиги сониясига 33 метрга етган. Бир неча кундан буён давом этаётган табиий офат оқибатида мамлакатнинг 16 вилояти электр таъминотидан узилган. Худуддан миллионга яқин аҳоли эвакуация қилинган. Улар мактаблар, қочоқларни қабул қилиш бўйича махсус марказларга жойлаштирилган, деб хабар беради "Euronews". "Хагупит" тўфони Тинч океанида жорий мавсумнинг ўзида ҳосил бўлган 22 тўфондир. Улар орасида "Хайан" номли тўфон энг ҳалокатлиси бўлиб, табиий офат етти минг кишининг ҳаётига зомин бўлган.

Қора олтиннинг нархи

Жаҳон нефть бозорида "қора олтин" нархи тобора тушмоқда.

Маҳсулотнинг "Brent" номли тури сўнгги беш йил ичида биринчи марта 67 долларгача пасайган. "Morgan Stanley" банки келгуси йилда "Brent" 43 долларгача арзонлашиб кетишини башорат қилмоқда. Эслатиб ўтамиз, 2008 йилги молиявий-иқтисодий инқироз пайтида нефть баҳоси 40 доллардан ҳам паст эди.

Бельгияда иш ташлаш

Бельгия пойтахти ҳамда шаҳарнинг айрим ҳудудларида ўтказилган иш ташлаш раётида Брюсселда жамоат транспорти фаолияти тўхтаган, халқаро аэропортдаги кўп раёти бекор қилинган ёки кечиктирилмоқда.

Касаба уюшмаси вакилларининг фикрича, аҳоли ҳукумат томонидан амалга оширилаётган қатъий иқтисодга асосланган сиёсатдан норози. Давлат ва хусусий сектор хизматчилари нафақа ёши ва солиқ ставкаларининг кўтарилиши ҳамда ижтимоий харажатларнинг қисқартирилиши бекор қилишни талаб қилишмоқда. Намойишчилар юк машиналарини сановат зоналарига киритишмаяпти. Қуни кеча автобуслар ва метро поездлари ўз деполаридан чиқишмаган.

Битмаган бинода ёнгин

Лос-Анжелос шаҳри марказида содир бўлган ёнгинни бартараф этиш учун юзлаб ўт ўчирувчилар сафарбар этилган.

Хабарларга кўра, олов қурилиши тугалланмаган бинонинг ёғоч конструкцияси орқали тарқалиб, уни бутунлай қамраб олган. Кўчли ёнгин туфайли яқин атрофда жойлашган иккита кўп қаватли иншоотга ҳам жиддий зарар етган. Ёнгин сабаби ҳозирча аниқлангани йўқ. Ўт ўчирувчилар бино қайта тиклаб бўлмас ҳолга келганини айтишмоқда.

Нобель ҳафталиги

Швеция пойтахти Стокгольмда Нобель тантаналари ҳафталиги бошланди.

Ҳафталик давомида мукофотнинг 11 лауреати пресс-конференциялар, интервьюлар ва бошқа тадбирларда иштирок этишади. Мукофотнинг ўзи 10 декабрь куни Стокгольм филармониясида топширилади, деб ёздади "ИТАР-ТАСС" ахборот агентлиги. Маълумотларга қараганда, Нобель мукофотининг тинчлик йўналиши бўйича совриндори Ослода тақдирланади. Эслатиб ўтамиз, 1901 йилдан буён мазкур мукофотни топшириш маросими 567 марта ўтказилган, унга 860 киши ва 22 та ташкилот сазовор бўлган.

Ҳисоб-китобларга кўра, Буюк Британияда ўтказилган парламент сайловида ўрта ҳисобда 2300-2500 нафар киши ўз номзодини қўяди. Бу ерда ҳар беш йилда бўлиб ўтадиган сайловда асосий кураш икки сиёсий партия ўртасида кечиши инобатга олинса, юқоридаги рақам Европадаги энг юқори кўрсаткичлардан экани аниқлашди. Шунингдек, ҳатто сайлов куни ҳам номзодлар ва уларнинг ишончли вакиллари тарғибот-ташвиқот ишларини тўхтатмайди.

Кўппартиявийлик тизимига асосланган Нидерландияда эса сўнгги 20 йил ичида 7 та сиёсий партия парламентда энг кўп ўринларни банд этмоқда. Шунингдек, Нидерландия Европадаги мулқ монархия тузумидан Конституциявий монархия ва парламент демократиясига ўтган биринчи давлат ҳисобланади.

Ўзига хос тизим

Европада бой ва узоқ парламент тарихига эга бўлган Буюк Британияда икки палатали парламент фаолият олиб боради. Қонун чиқарувчи олий идора юқори — Лордлар ва қуйи — Вакиллар палатасидан иборат. Вакиллар палатасида 650 депутат, Лордлар палатасида

Рангин дунё

Театр санъати Чехияда XVI-XVII асрларда пайдо бўла бошлаган. Аввалига ҳаваскорлик, кейин эса профессионал даражага етди. 1737 йили Прагада дастлабки доимий театр фаолият юрита бошлади. Чех тилида ижод қилувчи илк труппа ҳам айнан шу йилларда шаклланди. Бироқ, чех театри XIX асрга келингани ҳақиқий маънода гуллаб-яшнади. Қобилиятли ва забардаст драматург, режиссёрлар етишиб чиқди. Бу орада Прага миллий театрига асос солинди. Шундан сўнг, мамлакатда драма, опера, сатира жанрида фаолият юритувчи театрлар ҳам кўпайди.


"Латерна магика" ўтган асрда қурилган бўлиб, Чехиядаги энг замонавий театрлар сирасига қиради. Ҳозир театр биноси эгаллаб турган ҳудуд бир пайтлар очик майдон бўлган. Шаҳар маъмурияти буш ётган ерда нима қуриш мумкинлиги ҳақида узоқ ўйлади. Прага миллий театрида реконструкция ишлари бошлангач, масала ўз-ўзидан ҳал бўлди-қолди. Ҳамма очик майдонда янги театр биносини қуриш ҳақидаги таклифни бир овоздан маъқуллади. Лойиҳани тайёрлаш чехиялик архитектор Карел Прагерга топширилди. Режага кўра, янги театр биноси мултифункционал маданий марказ талабларига тўлиқ жавоб бериши керак эди. Моҳир архитектор олдида қўйилган шу ва бошқа вазифалардан келиб чиққан ҳолда театрининг ташқи ва ички безагини бажа-

риш, шунингдек, бегона овоз ва шовқинлардан химоя қилишнинг мақбул ечимини топди. Мутахассис ҳеч ким кутмаган йўлдан бориб, театр деворларини яшил мармар плита ҳамда махсус ойнаванд экранлар билан қоплайди. Тўғри, кўҳна Прага учун бундай бино мос келмаслиги ҳам мумкин эди. Бироқ, театр биноси янги ҳақида кўриниш ва дизайнда бўлишига қарамай шаҳар манзарасини янада бойитди. Ҳатто, уни "кўрган" қадимги иморатлар ҳам қаддини ростлаб олгани аниқ.

Театрга "Латерна магика" ("Сехрли фонус") номи бежиз берилмаган. "Сехрли фонус" театрининг илк сахна асари бўлиб, ўз даврида Европанинг нуфузли сахналарида ҳам намойиш этилган. Айниқса, 1958 йили Брюсселда ўтказилган халқаро сановат кўргазмаси чоғидаги спек-

"Сехрли фонус" театри

ёхуд санъатнинг уч турини бирлаштирган маскан



такъл намойиши жамоага шон-шухрат келтирди. Ана шу томошадан сўнг "Латерна магика" бутун дунёга танилди.

"Сехрли фонус" томошаси оддий сахна кўринишларидан бироз фарқ қилади. Мазкур театр асарининг бошқалардан фарқи шуки, у санъатнинг уч турини ўзида бирлаштирган. Унда актёрлар бир вақтинг ўзида сахна маҳоратини намойиш этади, рақсга тушади ҳамда фильмда роль ўйнайди.

Театр репертуаридаги "Рандеву", "Аргонавтар" ҳамда "Сехрли цирк" спектаклларида энг аввало, ҳаёт фалсафаси, муҳаббат ва нафрат, яхшилик ва ёмонлик каби инсоний фазилатлар очиб берилган. Ҳар бир спектакль декорация ва безакларга бойлиги, актёрлар либосидан тортиб гримлагача томошабин этиборини тортмасдан қўймайди. Қизиқи, театр томошасини тушуниш учун чех тилини билиш шарт эмас.

Овқат ҳазм қилиш йўлида жойлашган қизилўнғач 23-25 сантиметр узунликдаги мушакли найчадан иборат бўлиб, кўкрак қафасидан диафрагма тешиги орқали қорин бўшлиғига ўтади ва ошқозонга уланади. Қизилўнғач девори шиллик, шиллик ости ва мушак қаватлардан иборат.



Қизилўнғачнинг ошқозонга қирадиган қисми — қардиянинг торайиши кардиоспазм, кардиостенозга олиб келади. Кардиоспазмда қизилўнғачдан ошқозонга овқат лўқмасининг ўтиши қийинлашади, оқибатда қизилўнғачнинг юқори бўғинлари кенгайди. Кардиоспазм тўсатдан, баъзан секин-аста (руҳий зўриқидан сўнг) бошланади. Кардиоспазм дастлаб унча сезилмайди. Кейинчалик қизилўнғачдан овқат ўтиши қийинлашади (қилтомоклик кузатилади). Каттик овқат (баъзан суюқ овқат ҳам) томоқда туриб қолиши мумкин. Бемор овқат еган пайтда, овқатдан сўнг ёки кечаси кўнгил айниши натижасида қийналиши мумкин. Тўш суяги орқасида оғриқ сезилади. Қизилўнғачнинг кенгайган қисмида овқат тўхтаб қолиб бузилганида унинг шиллик қавати яллиғланади. Жараён баъзан қизилўнғач деворининг ҳаммасига, ҳатто атрофдаги хужайраларга ҳам тарқайди. Натижада чандиқ ҳосил бўлиб, найсимон орган ёки унинг ташқи тешиги тораяди. Кардиоспазмнинг дастлабки даврида мушакларнинг беихтиёр қисқариши — спазмга қарши дорилар берилди. Касаллик зўрайиб, беморнинг аҳоли оғирлашавери, жарроҳлик усули қўлланилади. Кардиоспазм хасталигида зигир уруғи, тугмачагул, мойчечак, гулхайри (бир қисмдан солинади) дамламаси ҳам фойда беради.

БИЛАСИЗМИ?


Эшик кўнғирог 1831 йилда ихтиро қилинган.

Тўлиной яримой (ҳилло) га қараганда 9 марта кўпроқ шуъла сочади.

ТУРФА ОЛАМ

Экстремал аттракцион

Австралиядаги шаҳар — Дарвин-ситида "Crocossaurus Cove" деб номланган аттракцион иш бошлади.



Қўриқхона кўринишидаги аттракционда юзга яқин тимсоҳ кучли ҳиссиёт ишқибозларини сув остидаги "ов" сирларидан воқифа этади. "Crocossaurus Cove" дунёдаги энг катта судралувчи жонзот — тароксимон тимсоҳлар макони ҳисобланади. Улар тимсоҳларнинг қироли бўлиб, ана шундай жонзотларнинг энг хатарлиси ҳамдир. Шунинг илоҳияти олган аттракцион ходимлари тимсоҳлар сузатилган ҳовузга махсус ҳимоя қафасини ўрнатишган. Илгирма дақиқалик томоша давомида одамлар айнаи ўша ойнаванд қафас ичида ўтириб, ов жараёнини кузатиб боришади. Бундан ташқари, "Crocossaurus Cove" аттракционда экстремал томоша ишқибозлари йиртқич ақула, балик, тошбақа ва бошқа сув жониворлари билан ҳам танишишлари мумкин.

Шаффоф автомобиль

Япон муҳандисларининг галдаги кашфиёти оддий автомобильлардан шаффофлиги билан фарқ қилади.




Бирок автомобилнинг ҳамма қисми ҳам шаффоф эмас. Бундай хусусият машина эшиги ва орқа ўриндиғигагина хос. Қолаверса, чор-атрофда нималар бўлаётгани фақат кабида ўтирилганларга кўринади. Энг муҳими, шаффоф автомобиль содир бўлиши мумкин бўлган кўнгилсиз воқеаларнинг олдини олади. Масалан, машинанинг орқа томонида қимдир ўтирилган ёки ёш бола бор бўлса, бошқа автомобиль ҳайдовчиси дарҳол буни пайқайди. Ихтирочиларнинг таъкидлашича, шаффоф автомобил яратишда камера ва унинг ёрдамида олинган тасвири кўрсатувчи проектордан фойдаланилган. Автомобилнинг орқа томонида ўрнатилган камера тасвири аввал компьютерга, сўнг проекторга узатади. Проектор эса оптик линза ёрдамида орқа ўриндикни шаффофлаштириб беради.

З.ЗОИРЖОНОВ тайёрлади

Боқий мерос

Мингтепа топилмалари

тадқиқотчи ва сайёҳларни ўзига жалб этмоқда



Буюк ипак йўли нафақат савдо йўли, айни пайтда халқлар ўртасида маданий-маърифий ҳамкорлик воситаси ҳам бўлган. Уни тиклашда Буюк ипак йўли мамлакатлари, хусусан, Ўзбекистоннинг иштироки алоҳида аҳамият касб этади. Шу нуқтаи назардан туризм мамлакатини дунёга таништиришнинг энг мақбул йўли ҳисобланади. Бунинг учун аввало, шу мамлакатнинг узоқ йиллик бой тарихини илмий асосда ўрганиш, миллиянинг азалий урф-одатлари, қадриятлари асраб-авайлаш, кўрсатиш орқали жаҳон сайёҳларининг қизиқишларини уйғотиш зарур бўлади.

ний алоқалар чой, пахта, ипак, қоғоз ва бошқа маҳсулотларнинг бутун дунёга тарқалишида муҳим ўрин тутган. Маданиятимиз, хунармандчилигимизнинг бир-бирига уйғунлиги ҳам шундан. Бугунги кунда бу ҳамкорлик муносабатлари янги мазмун билан бойиб, барча соҳаларда изчил ривожланмоқда. Бундан тўрт йил олдин Хитой Халқ Республикасининг Сиан шаҳри университетидида қадимда Фарғона водийси ҳудудида 70 дан зиёд шахар бўлгани ва улардан бири — Мингтепа тарихи ҳақида маъруза қилган эдим. Ҳамкасбларнинг қизиқишлари айнан шу маърузадан кейин янада ортиб, ҳамкорлик истаги туғилди. Мингтепанинг саккиз нуқтасида археологик қазилма ишлари олиб борилди. Қазилмалар туфайли топилган осори-атикалар, қурилиш иншоотлари қолдиқлари, кулчилик идишлари, ҳайвон суяклар ва тошдан ясалган ёрғуқоқлар, палахмонлар Мингтепанинг ҳақиқатан ҳам катта ва ривожланган шахар бўлганини тасдиқлади. Сопол идишларига тирнаб безак бериш водийда эрамиз бошларида юксак даражага етган. Бу йил ана шундай тасвирилар туширилган иккита сопол парчаси топилди. Бирида жангчи ва қуш тасвири, иккинчисиди от ёки фил тасвири туширилган. Мазкур нафис тасвирилар аждоғларимизнинг юксак маҳоратидан дарак беради. Муҳими, шаҳарнинг ички ва ташқи деворларини ўрганиш мингтепаларнинг юксак муҳандислик қобилиятидан гувоҳлик беради. Улар жуда мурак-

каб ва ҳар қандай ҳужумга дош берадиган қилиб қурилган. Тасаввур қилинг, фақат Мингтепа шахар ички муҳофаа деворларининг умумий узунлиги 2,5 километр, эни 7-10 метр, баландлиги эса камида 6-8 метрга тенг бўлган. Кузатув миқорлари жами 62 дон бўлиб, улардан 4 таси марказий миқор вази фасини ўтаган. Деворлар остида ҳандақлар қазилгани душман ҳужумини янада қийинлаштирган. Ташқи — иккинчи девор бундан-да маҳоратли бўлган. Афсуски, девор қолдиқлари сақланмаган. Бироқ ўтган асрнинг 50-йилларидаги суратларда девор қолдиқлари сақланганига гувоҳ бўлиш мумкин. Топилмалар уч босқичга тааллуқли экани аниқланди. Биринчи босқич милотдан аввалги III-I асрларга тегишли бўлиб, муҳофаа девори фақат пахсадан тикланган ҳолатда бўлган. 2 ва 3-босқичларда милотий даврнинг I-II асрларига келиб, кузатув миқорлари қурилган.

Мингтепадаги археологик изланишлар асносида жуда кўп ноёб ашёлар топилди. Мингтепада очик осмон остида тарихий музей ташкил қилиш мумкин, деган хулосага келдик. Чунки ҳар бир тепалик остида халқимизнинг шаҳарсозлик соҳасидаги билим-донлиги, ёғоч ва тош ўймакорлиги маҳорати ва ўзига хослиги, нодир ва ноёб ер ости маданий қатламлари борлиги аён бўлди.

— *Очиқ осмон остидаги музей ташкил этилса, Мингтепага ташир буюрадиган сайёҳ-*



**"Milliy tiklanish" мухбири
Замира РЎЗИЕВА
сўхбатлашди**

Кўргазма залларида

Табиат ва инсон мадҳи

Тошкент фотосуратлар уйда расм Маҳмуд Аҳмедовнинг рангасвир асарларидан таркиб топган "Музыка ва ранг" кўргазмаси очилди.

Экспонатларда юртимиз табиатининг гўзал манзаралари, ноз-неъматлари, йилнинг тўрт фасли, кундалик ҳаётнинг айрим қирралари акс этган. Жумладан, мусаввирнинг "Ассалом Наврўз!", "Вақт гилдираги", "Атиргуллар", "Анор терими" ана шундай асарлар сирасига кириди. Маҳмуд Аҳмедов 1938 йилда Тошкент шаҳрида туғилган. Республика расмомлик билим юрти, Тошкент театр ва расмомлик институтини тамомлаган. Узоқ йиллар давомида республика ихтисослаштирилган санъат мактаб-интернатидида ўқитувчи бўлиб ишлади. Ўзбекистон Бадий академиясининг олтин медал совриндори бўлган мусаввир республикамиз ва хорижий мамлакатларда ташкил этилган халқаро кўргазмаларда ҳам фаол қатнашмоқда. У давлатимизнинг юксак мукофоти — "Шўхрат" медали билан тақдирланган.

"Олис-яқин, абадий"

Ўзбекистон тасвирий санъат галереясида шу номдаги рангасвир ҳамда графика услубидаги асарлар кўргазмаси бўлиб ўтмоқда.

Ундан ака-ука Мурод ва Муҳаммад Фозилий ижодига мансуб асарлар ўрин эгаллаган. Намойишга қўйилган ҳар бир асар ўзига хослиги, турли бадий анъана ва концепцияларга бойлиги билан ажралиб туради. Улар томошабинни ҳаёт фалсафаси ва борлиқни англашга чорлайди. Экспозициядан "Учрашув", "Дахлдорлик", "Буюк туғилиш", "Абадий чархи", "Ўтиб кетаётган вақт тарихи" каби қатор график асарлар ўрин олган. Галереянинг бошқа бир залида мазкур расмомларнинг рангасвир йўналишидаги асарлари учун ҳаёт ажратилган. Ижодкорлар турли мавзуга мурожаат этган ҳолда, ўз асарларида композицион шакллардан унумли фойдаланган.

Хасан АБДУНАЗАРОВ

Бугуннинг гапи

Ёшларни жисмонан соғлом, маънан етук ва юксак интеллектуал салоҳиятга инсонлар этиб тарбиялаш Президентимиз раҳнамолигида амалга оширилётган ислохотларимиз устувор йўналишларидандир. Юртимизда ёшларнинг ўз таллаган соҳаси бўйича замонавий таълим-тарбия олиши, истеъдод ва салоҳиятини кенг намойён этиши учун барча шароит яратилган.

Бола бекор қолмасин

бунинг учун уларни фойдали машғулотлар билан банд қилиш лозим

Бирок гуруч курмасиз бўлмаганидек, ёшлар орасида ҳаётга энгил-елпи қарайдиган, турли ёт фоялар таъсирга тушиб қолган ёхуд алкоғол ва тамаки маҳсулотларга ружу қўйганлар кам бўлса-да ураб туради. Ана шундай ёшларни кўрганда кўпинча уларга нисбатан кескин ва танқидий фикрлар билдиради. Бунақалар қардан пайдо бўларкин-а, деб ажабланамиз. Аммо улғайиб келаётган ўсмирларнинг яшаш тарзи, қизиқишлари ҳақида деярли ўйлаб ҳам кўрмаймиз. Мутахассисларнинг фикрича, ўсмирларнинг ҳаёт тарзи нақадар қизиқарли ва мазмунли ўтиши бевоқифа уларнинг интилиши ва қизиқишларига боғлиқ. Ёшларнинг дарсдан бўш вақти асосан оила ва маҳаллада ўтади. Бу вақтни тўғри ташкил этишга кўмаклашиш зимманимизга катта масъулият юклайди.

Ўсмирларнинг дарсдан ва синфдан ташқари бирор нарсага қизиқиши мактаб партасида ўтирган чоғидиёқ ўйғониши сир эмас. Уларни сеvimли машғулотлар билан банд этиш, аста-секин ҳаёт жараёни — кундалиқ турмушга олиб кириш, иштиёқини ошириб бориш, тўғри йўл-йўриқ ва кўрсатмалар бериш бориш биз катталарнинг вазифамиз. Масалан, бадий ва бошқа турдаги адабиётларни харид қилиш орқали шахсий кутубхона ташкил этиш ёки почта марказлари, табрикнома, турли ёрлик, нишон ва шу каби нарсалардан коллекция тўплаш ва қўпайтириб бориш мақсадга мувофиқ.

Ўқув даргоҳимизда филателистлар тўғраги фаолият кўрсатиб келяпти. Тўғарак аъзолари бир-бирига ўхшашмайдиган почта маркалари ва шу каби буюмлардан альбом ёки буклетлар тайёрлашади. Бундай альбомларни тайёрлашда бошқа мактаб ўқувчилари билан яқин ҳамкорлик ўрнатилган. Бўш вақтлар ҳамда таътил кунларида

вақти-вақти билан шаҳар дўконларидан марка, ёрлик ва табрикномалар харид қилинади.

Бундан ташқари мактабимиз ўқувчилари ўзларига берилган синфхоналарда кутубхона ташкил қилиб, қизиқарли китоблар йиғиб келишмоқда.

Кундалиқ турмушимиз завқли, гўзал ва ранг-баранг. Биз ўқувчиларимизни қанчалик фойдали ишларга ундасак, қизиқувчанлигини ошириб борсак, уларга гўзалликнинг маълум бўлмаган қирралари, сир-синаотлари намойён бўлаверди. Бола бамисоли ниҳол. Ниҳол тупроқдан, сувдан озуқа олиб, ривожланади. Ўсмир ҳам атрофдаги гўзалликлардан баҳраманд бўлиб, завқлана олса, уни билим олиш, меҳнат жараёни ҳамда кундалиқ ҳаётга олиб кирилса, изланса, фикрлаш доираси бойиб, кенгайиб боради. Бу билан у келгусидаги орзу-мақсадларининг рўёбга чиқишига пухта замин ҳозирлаган, маънавий оламини бойитиб борган бўлади. Биз педагоглар ўқувчиларимизни ана шундай фойдали юмушларга жалб қилсак, даъват этсак олдимиздаги бурчимизни оғишмай бажарган бўламиз. Зотан, ёшлик — билим ва касб-хунар эгаллаш, ижодий-интеллектуал салоҳиятни бойитиб бориш даври беҳуда ўтмасин.

**Насиб ШАРИПОВА,
Жиззах туманидаги
1-умумтаълим
мактаби ўқитувчиси**

ТАҲРИР ХАЙЪАТИ: Сарвар ОТАМУРАТОВ, Аҳром АҲМЕДОВ, Нозим ХАБИБУЛЛАЕВ, Суван НАҲБИДИНОВ, Муҳаммаджон ҚУРОНОВ, Фахруҳон МУҲАМЕДОВ, Улуғбек МУҲАММАДИЕВ, Жалолиддин САФОВЕВ, Ахтам ТУРСУНОВ, Рустам ҚОСИМОВ, Исमत ХУДОЕВОВ, Эркин ДОРИПОВ, Абдуғафур МАМАТОВ, Арслон ЭШМУРОДОВ

Бош муҳаррир: Беҳзод НОРОЕВ

ТАҲРИРИЯТ МАНЗИЛИ: Тошкент-100000, Амир Темуր кўчаси, 1-тор кўча, 2-уй
Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди
ТЕЛЕФОНЛАР: (8-371) Кабулхона (факс): 234-69-55, Парламент ва маҳаллий Кенгаш депутатлари филияти бўлими: 234-01-47, Партия ҳаёти бўлими: 234-86-41, Маданият, маънавият ва ахборот бўлими: 234-87-73, Бош муҳаррир биринчи ўринбосари: 234-87-74, Бухгалтерия: 234-87-73. Ҳажми 4 босма табоқ офсет усулида босилди. Қоғоз бичими А-2 «ШАРК» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Қорхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй

Газета ҳафтанинг чоршанба кuni чиқади. 2008 йил 29 октябрда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан № 0223 раҳами билан рўйхатдан ўтган.

Буюртма — Г 1225, Адади — 8351. Газетанинг баҳоси келишилган нарҳда.

Навбатчи муҳаррир: Беҳбуд БОТИРОВА

Навбатчи: Хасан САЛОМОВ

Саҳифаловчи: Акбар ШОДИЕВ

Флорант почта: e-mail: mtiklanish@mail.ru

Босишга топшириш вақти — 21.30.

Топширили — 23.30.

ISSN 2010-7714